O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV № 31 02 09

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 20 май, № 101 (4764) Чоршанба

ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ҳадемай мустақиллигимизнинг ўн саккизинчи йилини байрам сифатида нишонлаймиз. Озодликда ўтган мана шу даврнинг ҳар бир куни, ҳар бир йили биз учун қадрлидир. Чунки истиқлол бизга улкан имкониятлар эшигини очди, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, орзу-истакларимиз рўёбини кўриш бахтини насиб этди. Бугун ҳар бир соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг туб моҳиятида одамларимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассам.

ФАХР

Маълумки, ҳар бир эзгу ниятнинг амалга ошиши бевосита жамиятдаги тинчлик ва барқарорликка ҳам боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда сарҳадларимиз дахлсизлиги, сизу бизнинг бугунгидек, тинч ва осойишта ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқдаки, ушбу шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган мард ва жасур фарзандларимизни ҳар қанча улуғласак, эъзозласак арзийди. Юртбошимиз ушбу масалага ҳамиша алоҳида эътибор билан қарайдилар. Жумладан, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга йўналтирилган қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси таъминланаётгани туфайли кўплар қатори ҳарбий оилаларга ҳам олам-олам қувонч улашилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга ташрифи хорижий давлатлар ҳукумат, ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари, оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ ҲАМКОРЛИГИ ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Жанубий Корея Президенти девонининг расмий баёнотида айтилишича, «Ли Мён Бак Ўзбекистонга амалга оширган ўзининг илк давлат ташрифи орқали ушбу мамлакат билан энергетика ва табиий захиралар борасидаги муносабатларга янгича тус беришга, шунингдек, иқлим ўзгариши ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози каби глобал муаммоларга қарши курашдаги ҳамкорликни кучайтиришга интилаётир». Унда, жумладан, икки мамлакат раҳбарлари учрашуви чоғида муҳокама этилган ва томонларда жиддий хавотир уйғотаётган минтақавий ва дунё аҳамиятига молик масалалар хусусидаги мулоҳазалар, шунингдек, глобал миқёсда молиявий-иқтисодий инқирозга, терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар савдоси ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш борасида эришилган келишувлар хусусида ҳам тўхталиб ўтилади.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг олти томонлама музокараларда Шимолий Кореядаги ядровий муаммони ҳал этиш борасида Корея Республикаси саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлагани Сеул учун муҳим экани, бинобарин, Тошкент Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилинишида етакчи роль ўйнагани таъкидланади.

Жанубий Кореядаги барча нуфузли нашрлар, гарчи, протоколда кўзда тутилмаган бўлсада, Президент Ли Мён Бакни аэропортда Президент Ислом Каримов шахсан кутиб олгани икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўзаро дўстлик муносабатлари ва олий даражадаги ишонч ифодаси ҳамда шу билан бирга, икки томонлама ҳамкорлик чинакам стратегик аҳамиятга моликлигидан далолат эканини қайд этмоқда.

«Korea.net» ахборот портали Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистонни МДҲдаги муҳим ўрин тутувчи давлатлардан деб билишини таъкидлайди. Ўз навбатида, Сеул Тошкентнинг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги асосий савдо ва инвестицион ҳамкори саналади. Сиёсий, иқтисодий соҳалар, шунингдек, хавфсизлик масалалари икки томонлама шерикликнинг муҳим йўналишларидир.

«Корея Геральд» газетаси олий даражадаги учрашув чоғида муҳокама этилган Ўзбекистонда янги газ конларини очиш, Навоий шаҳри аэропортини модернизациялаш ва уни минтақавий логистика марказига айлантириш, шунингдек, ушбу ҳудудда иқтисодий зона барпо этиш каби масалаларнинг муҳимлигига тўхталади.

Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ҳажми 2008 йилда 1 миллиард АҚШ долларидан ошгани улкан ютуқ сифатида қайд этилади. «Корея Геральд» хабарида айтилишича, бу Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқаларидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Газета давлат раҳбарлари имзолаган ҳамда томонларнинг 2006 йилда ўрнатилган стратегик шерикликни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини тасдиқлаган, шунингдек, икки мамлакат ҳамкорлигининг изчил ривожидаги муҳим натижалар акс этган ва сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва гуманитар соҳалардаги келгуси алоқалар истиқболлари белгиланган қўшма баёнот улкан аҳамият касб этишини қайд этади.

(Давоми 2-бетда).

Юртимиз мустақиллигининг илк даврида ҳам, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, обрў-эътибор қозониб, нуфуз орттирганидан кейин ҳам айрим хорижий оммавий ахборот воситалари Ватанимиз шаънига бўҳтонлар ёғдириб, уйдирма ва сафсаталар тўқиди. Янги мустақил давлатни ўз йўриғига солишга интиладиган, пинҳона «оғалик» даъвосида бўлганлар ҳар доим бўлган, ҳозир ҳам йўқ эмас. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли бундай иғволар бироз пасайгандай...

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Бир қарашда Ўзбекистонга маломат ёғдириш билан глобал инқироз ўртасида боғлиқлик йўқдек кўринади. Чунки бири сиёсий жараён бўлса, иккинчиси – иқтисодий аҳамиятга молик воқеа. Шунга қарамай, бу икки омил айрим дасти дароз молиявий корчалонларнинг манфаатлари туфайли юзага келганини англаш қийин эмас.

Бундай корчалонлар баъзи давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатини керак пайти ўз фойдасига буриб юбориши мумкинлигини таъкидлаш жоиз. Дейлик, ҳарбий саноат мажмуи гуркираб ривожланиши учун оловли нуқталар «ташкил қилинади». Фармацевтикада даромадни кўпайтириш учун янги-янги дорилар ишлаб чиқарилиб, ўзига ўхшашларидан ўн чандон фойдали экани зўр бериб реклама қилинади ва ҳоказо.

Бу усул қуйидаги латифани эсга солади:

«Уч дўст қандай қилиб пул топиши мумкин?

Бу жуда осон: биринчиси – компьютер дастури, иккинчиси – шу дастурни ишдан чиқарадиган вирус, учинчиси – шу вирусга қарши дастур ишлаб чиқаради.»

...Жаҳон урушлари даврида ҳам айрим завод ва фабрикалар бомбардимондан омон қолганини инсоният яхши билади. Тасодиф эмасдир, ҳар ҳолда! Ўша пайтларда ҳам молиявий корчалонлар фақат ўз фойдасини ўйлайдиган сиёсатчилар, қўмондонлар билан тил бириктира олган бўлиши мумкинми?

Афсуски, давлатни давлатга, қавмни қавмга қайраш ҳали ҳам тўхтагани йўқ.

Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳнамолигида синовлардан мардонавор ўтиб келяпти. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Қарийб 18 йиллик энг янги тарихимизга бир назар ташлаган киши барчасини кўради.

Алҳол, молиявий-иқтисодий инқироз кўлами юҳонинг домидек кенгайгани сари иқтисодиёти ривожланган давлатларда тушкунлик кўпроқ кузатилмоқда. Иқтисодиётни сунъий равишда шишириб, бойлигини кўпайтиришга ўрганиб қолган молиявий корчалонларнинг кўзини шира қоплади. Оқибатда йирик банк-молия муассасалари хонавайрон бўлди, доврўқ қозонган компания ва корпорациялар пароканда-ликка юз тутди. Ходимларни ишдан бўшатиш ва корхоналарни ёпиш ҳамон давом этмоқда.

Мана шундай шароитда Ўзбекистон барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Чунки Президент Ислом Каримовнинг чуқур ўйланган, оқилона сиёсати нақадар тўғри эканлиги яна бир бор ўз исботини топди. Бошқача айтганда, Юртбошимиз глобал инқироз келтириши мумкин бўлган оқибатларни олдиндан кўра билди ва 2008 йилдаёқ мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИМТИЁЗ – ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТ

"Иқтисодиётнинг устуни" дея эътироф этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари Юртбошимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бандлик даражасини ошириш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз аҳолиси фаровонлигини таъминлашда катта кучга айланиб бораяпти.

Мазкур йўналишда қўйилаётган ҳар бир қадам унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаб, имкониятларини кенгайтирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг кеча матбуотда эълон қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, айниқса, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга жўшқинлик бағишлайди.

Гап шундаки, кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ва солиқ тўловининг соддалаштирилгани биз учун жуда қўл келяпти, десам, барча ҳамкасбларим фикрини ифодалаган бўламан.

Бундан икки йил аввал мўъжазгина косибчилик устахонаси сифатида иш бошлаган кичик корхонамиз ана

Дил сўзи

шу имконият ва имтиёзлар ёрдамида қисқа фурсатда оёққа туриб олди. Бугун эса ўзимизнинг рақобатбардош маҳсулотларимиз билан ички бозорда муносиб ўрнимизга эгамиз. 35 нафар малакали пойабзалчи томонидан тикилаётган эркаклар ва аёлларнинг замонавий оёқ кийимларига мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида харидорлар мавжуд. Шуни ҳисобга олиб, жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 40 миллион сўмлик маҳсулотни савдога чиқардик. Буюртмалар портфелимизда шартномалар ҳам етарли. Масалан, Қарши ва Нукус шаҳарларидаги ҳамкорларимиз билан 60 миллион сўмлик миқдорда келишув тузганмиз. Наманган шаҳрининг "Соҳилбўйи" даҳасида, шунингдек, Қарши шаҳрида очган фирма дўконларимиздан харидорлар қадами узилмаётир.

Юртбошимизнинг янги Қарори, айтиш мумкинки, тадбиркорлик субъектлари истиқболида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унда белгилаб берилган қўшимча имтиёзлар тадбиркорлик тузилмалари ҳамда ўз бизнесини йўлга қўйишни мўлжаллаб турган ҳамюртларимизнинг истиқболли лойиҳалари ижросига илҳомбахш қувват ато этади.

Муҳаммадали РАСУЛОВ,
Наманган шаҳридаги «Истиқболпойабзалсавдо» кичик корхонаси раҳбари.

ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИГА – ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ҳамкорлик

Пойтахтимизда «Марказий Осиёда Германия тўқимачилик технологиялари» симпозиуми бўлиб ўтмоқда.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан Германия иқтисод ва технологиялар федерал вазирлиги ҳамда "Messe Frankfurt Exhibition GmbH" халқаро кўргазмалар концерни ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Германия машинасозлар уюшмаси (VDMA), Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи компанияларнинг раҳбарлари, шунингдек, соҳа мутахассислари иштирок этишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Китоблар – халқаро танловга

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нашриётлар ўртасида "Энг яхши китоб" танлови эълон қилинди.

2008 йилда чоп этилган энг яхши китобларни аниқлаш, нашриётлар ва муаллифларни қўллаб-қувватлаш, ноширлик соҳасини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу танловда иштирок этган китоблар танлов шартларига кўра, мазмун-моҳияти, дизайни, таҳрир, ноширлик даражасининг юқорилиги сингари бир қатор мезонларга жавоб бериши керак.

Танлов ғолиблари деб топилган китоблар ва ноширлик маҳсулотлари тадбир ташкилотчилари — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда "Китоб дунёси" газетаси таҳририяти томонидан тақдирланиш билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро китоб кўргазма-ярмаркаларида қатнашиш учун тавсияга эга бўладилар.

Шоҳсанам КАРИМБЕКОВА.

Парвозлар ҳақида дарс

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бўйича давлат нозирлигида ICAO Европа регионал бюроси томонидан халқаро ўқув курслари ташкил этилди.

Унда бир қатор давлатларнинг авиация маъмуриятлари ва авиакомпаниялари вакиллари иштирок этишди. Ўқиш жараёнида мутахассислар соҳа бўйича халқаро стандартлар ва таклиф этилаётган амалиёт, ICAO техник йўриқномалари билан танишдилар.

Ўқув курси якунида тингловчиларга фаолиятнинг ушбу тури бўйича иш олиб бориш ҳуқуқини берувчи ICAO махсус сертификатлари топширилди.

Феруза ҚУРБОНОВА.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Таркибий қайта ўзгартиришлар самараси

2009 йилнинг биринчи чораги мобайнида республикамизда кимё ва нефть-кимё саноатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

116,8



фоиз ўсди.

Саноатда таркибий қайта ўзгартиришлар ва инвестиция лойиҳалари фаол амалга оширилаётгани соҳада шундай юқори ўсиш суръатини таъминлади.

Тайлоқ туманида қайта ишлаш корхоналари сони йил сайин кўпаймоқда. Қувонарлиси, маҳсулотларнинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

Экспорт ҳажми ортмоқда

Жорий йилнинг ўтган даврида туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан 5 миллион 635,8 минг АҚШ доллари миқдорида ташқи савдо операциялари амалга оширилди. Жумладан, биргина "Сиёб саховати" қўшма корхонаси 370,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги сабзавот консервларини хорижга жўнатди. "Боғизағон" масъулияти чекланган жамиятида эса экспорт миқдори 81 минг АҚШ долларидан ошди.

Якинда ҳар икки корхона экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида имтиёзли банк кредитлари олиб, янги ҳосил мавсумига тайёргарликни бошлаб юборди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Элинза» мебеллари

Янгибозор туманидаги Чўболончи қишлоғида жойлашган "Элинза" кичик корхонасида сифатли мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу ерда 90 турдаги мебель маҳсулотлари тайёрланмоқда. Улар арзон ва сифатлилиги туфайли ички бозорда ўз харидорини топмоқда.

Айни пайтда корхонада спорт анжомлари ишлаб чиқаришга ҳам киришилди. Бундай маҳсулотлар вилоятдаги янги касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари ва мактабларга етказиб берилаётир.

Корхона ишга тушиши билан 25 та янги иш ўрни яратилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ ҲАМКОРЛИГИ ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нашр Корея Республикаси Президентининг ташрифи доирасида имзоланган 30 дан зиёд ҳукуматлараро ва идораларо ҳужжатлар қаторида Жанубий Корея компаниялари Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини қидириб топиш ҳамда уларни ишга туширишда иштирок этишига оид 5 та меморандум ҳам борлигини маълум қилади. Хабарда Жанубий Корея томони, шунингдек, мамлакатда қатор инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни, жумладан, Навоий шаҳри аэропортини ривожлантиришни зиммасига олгани таъкидланади. Шу билан бирга, томонлар автомобилсозлик, ахборот технологиялари, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорликка ҳамда ўзаро инвестициялар учун қулай муҳит яратишга келишиб олди. Сеул, шунингдек, Тошкентга бир қатор тиббий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 120 миллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий ёрдам кўрсатадиган бўлди.

Жаҳонга 11 тилда теле ва радиоянгиликларни эфирга узатадиган **«Кей-Би-Эс» (Кореянинг телерадиоэшитириш тизими)** мазкур ташриф Жанубий Корея — Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ривожининг давоми бўлиб, икки томонлама ҳамкорлик, хусусан, мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини янада ривожлантириш учун қулай имконият эканини таъкидлайди.

«Томонларнинг ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги интилишларига Ўзбекистоннинг 5 вилоятида нефть ва газ конларини ишга туширишда, мамлакатда кардиология марказларини барпо этишга оид лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, энергетика ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги қатор меморандумлар имзолангани далолат бўла олади», дея таъкидлайди «Кей-Би-Эс».

«Корея Таймс» газетасининг хабар беришича, Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари иштирокида ўтказилган икки давлат бизнес доиралари вакилларининг форуми ташрифнинг муҳим қисми бўлган. "Унда Президент Ли Мён Бак илк бор Жанубий Корея юқори даражали ахборот технологияларига ва Ўзбекистоннинг геосиёсий имкониятлари уйғунлигига айланувчи «XXI аср янги Ипак йўли»ни ташкил этиш ташаббусини илгари сурди", деб ёзилади нашрда.

Таъкидланишича, бу лойиҳа Корея Республикаси ва Марказий Осиё сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигида янги даврни очибгина қолмай, Евроосиё минтақаси юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг Европадан то Узоқ Шарққа томон ўтувчи транспорт йўллари кесишуви марказига айланишига хизмат қилади.

Жанубий Кореянинг «Ёнхап» марказий ахборот агентлиги Корея Республикаси Президентига Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташрифи чоғида катта илтифот кўрсатилгани, хусусан, Президент Ислом Каримов, талабалар ва мураббийлар иштирокида унга тантанали равишда мамлакатдаги энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган ушбу таълим масканининг фахрий доктори дипломи ва унвони берилганини хабар қилади. Шунингдек, Ўзбекистонда 13 мингдан ортиқ талаба корейс тилини ўрганаётгани ҳам қайд этилади.

«Korea Times» нашриёти Президент Ли Мён Бак Жанубий Кореянинг 100 та компанияси вакиллари ва 60 та Ўзбекистон ишбилармонлари иштирокидаги бизнес-форумда берган баёнотга эътибор қаратади. У Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзолик борасидаги талабномасини қўллаб-қувватлашини таъкидлаб, Сеул Тошкент билан бир қатор глобал масалалар, жумладан, иқтисодий инқирозга қарши ҳамкорликни кучайтиришини маълум қилди. Корея Республикаси Президенти унинг мамлакати «жаҳоннинг энг юксак ахборот технологияларини, симсиз Интернет алоқасини, шунингдек, логистика, ҳаво транспорти, темир йўл, энергетика, қурилиш ва ахборот технологиялари соҳаларида икки томонлама муносабатлар кўламини кенгайтириш лойиҳаларини етказиб беришга тайёр» эканлигини айтиб ўтди.

Россиянинг ИТАР-ТАСС агентлигининг хабар беришича, сўнгги 6 йил мобайнида Сеул ва Тошкент ўртасидаги икки томонлама савдо алоқалари ҳажми деярли беш баробарга ошган. Жорий ташриф асосида Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида бир қатор муҳим келишувлар, жумладан, Наманган — Тергачи ва Чуст-Поп туманларида нефть ва табиий газ конларини биргаликда излаб топиш ва бурғулашга оид шартнома имзоланди.

«Регнум» ахборот агентлиги (Россия)нинг таъкидлашича, Жанубий Корея сармояси Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ресурсларини — табиий, минерал-хом ашё, газ, уран, олтин, нефть ва бошқа кўпгина захираларни ўзлаштиришда иштирок этаётир.

Агентлик хабарида таъкидланишича, Ўзбекистон Президенти 2006 йил март ойида икки мамлакат ўртасида имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битимни, биринчи навбатда, давлат раҳбарлари ўртасида мавжуд ўзаро ишонч ва дўстлик муносабатларида кўради.

— Музокаралар якунида Жанубий Корея раҳбари давлат ташрифи чоғида мисли кўрилмаган даражада икки томонлама муҳим ҳужжатлар имзоланганидан мамнун эканлигини изҳор этди, — дея хабар беради агентлик мухбири. — Айни пайтга қадар икки давлат ўртасида эришилган 120 та келишувга яна 30 дан ортиқ ҳаҳдлашувнинг қўшилиши ўзаро муносабатлар пойдеворини бундан-да мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Агентлик имзоланган ҳужжатлар орасида Навоий шаҳрида ташкил этилган Эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ)га Жанубий Корея сармоясини жалб қилиш борасидаги меморандумга алоҳида урғу берди. Томонлар Навоий ЭИИЗсининг лойиҳаларини молиялаштириш учун Корея Республикаси «Эксимбанк»и Ўзбекистон Миллий банки ва «Асака» банкига кредит асосида 100 миллион АҚШ долларидан (жами 200 миллион доллар) ажратишга келишишди.

«Регнум» ўз хабарида Ўзбекистон раҳбарининг музокаралар чоғида 2008 йилда ўзаро товар айланмаси ҳажми мисли кўрилмаган даражада ўсиб, 1 миллиард АҚШ долларидан ошгани ва бу 2007 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 123,7 фоизга юқори эканини ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган Жанубий Корея сармояси умумий миқдори 2 миллиард АҚШ долларидан зиёдроқни ташкил этишини мамнуният билан қайд этганлиги таъкидланмоқда.

«Федеральная газета»нинг **бош муҳаррири Зулфия Боноева** Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи якунини баҳолар экан, унинг нафақат юқори самарадорлигини, балки муҳимлигини ҳам таъкидлаб ўтди. «Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатларидан бири Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш, унинг иқтисодиётига янги сармояларни олиб киришга қатъий қарор қилгани мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигидан далолатдир. Жанубий Кореянинг ушбу қадами бошқа давлатлар учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик олиб бориш мумкин ва зарурлигини кўрсатувчи бир туртки бўлди», деб таъкидлади журналист.

Францияннинг «Франс Пресс» ("Agence France Presse") **ахборот агентлиги** Корея Республикаси раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистон иқтисодиёти гуллаб-яшнамоқда. Ушбу мамлакат Марказий Осиёда бизнинг асосий ҳамкоримиз ҳисобланади», деган сўзларини келтиради. Ўзбекистон Жанубий Корея компанияларига, жумладан «ДЭУ Интернэйшнл»га ўз ҳудудининг катта қисмида нефть ва газ конларини излаш ишларини олиб бориш имконини берди.

Шу ўринда, мазкур компанияларга геологик-разведка ва қазиб олиш ишлари учун ажратилган конларнинг умумий майдони қарийб 44,5 минг квадрат километрни ташкил этиши ва бу Корея Республикаси ҳудудининг деярли ярмига тенг экани қайд этилади.

Италиядаги энг нуфузли ва йирик ахборот агентлиги — **АНСА** тарқатган хабарда таъкидланишича, ташриф якунлари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутган. Хусусан, «Жанубий Корея томони Ўзбекистондаги сармоявий муҳитни диққат билан ўрганиб чиқиб, мамлакат иқтисодиётининг стратегик йўналишларига инвестиция киритишнинг ижобий истиқболларга эга эканини англаб турибди», дея қайд этилади хабарда.

"CNN Italia" агентлиги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "2008 йилда Ўзбекистон билан Жанубий Корея савдо-иқтисодий айланмаси ҳажмининг ортгани, икки мамлакат ўртасида яқин ва ишончли муносабатлар йўлга қўйилганидан далолатдир", деган сўзларини келтиради.

"BBC Monitoring" ахборот хизмати Корея Республикаси Президенти Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ташриф буюргани, у ерда икки мамлакат муносабатларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва қўшган ҳиссаси учун фахрий доктор унвони берилганини тўғрисида хабар беради. "Жанубий Корея дўстона муносабатларни ривожлантириш ва ўзаро ҳамжиҳатликни юксалтириш учун янада кўпроқ ўзбекистонлик талабаларни Кореяга таклиф этади", дейди Ли Мён Бак ўз нутқида. "BBC Monitoring" унинг қуйидаги сўзларига урғу беради: "Евроосиё қитъасининг марказида жойлашган Ўзбекистон Европани Узоқ Шарқ билан боғловчи XXI аср янги Ипак йўлининг марказига айланади".

"Рейтер" ахборот агентлиги (Буюк Британия) ташриф давомида имзоланган иқтисодий аҳамиятга молик икки томонлама муҳим ҳужжатларга эътибор қаратади. Хусусан, таъкидланишича, "Президент Ли Мён Бак ҳамда Президент Ислом Каримов ўртасида бўлиб ўтган музокаралардан сўнг томонлар бир қатор муҳим келишувларга эришган".

"Жанубий Кореянинг иккита давлат компанияси — Корея импорт-экспорт банки ва Корея экспорт суғурта корпорацияси Ўзбекистонда кимё заводини барпо этиш, шунингдек, Орол денгизи яқинида газ конларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга молиявий ёрдам кўрсатади".

Буюк Британиядаги **"Гардиан" газетасида** чоп этилган "Рейтер" агентлиги мақоласида ёзилишича, "Сургил" газ конида тахминан 4,7 триллион метр куб табиий газ захираси мавжуд. Ўтган йилда икки мамлакат 3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳани молиялаштиришни таъминлаш мақсадида тенг шерикликда "Uz-Kor Gas Chemical" қўшма корхонасини тузган", деб қайд этилади хабарда.

"Би-Би-Си" Ўзбекистон – Жанубий Корея иқтисодий муносабатлари ривожини "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона фаолияти мисолида минтақавий барқарорликни таъминлаш билан боғлайди. Хусусан, "Тошкентда Президент Ли Мён Бак билан учрашув чоғида Президент Ислом Каримов — ҳозирда АҚШнинг ҳарбий бўлмаган юкларини Навоий аэропорти орқали Афғонистон томонга олиб ўтиш амалга оширила бошланганини маълум қилди. Ўзбекистон Афғонистон билан темир йўл алоқаси мавжуд бўлган минтақадаги ягона мамлакат эканлиги эътиборга олинадиган бўлса, ушбу транзит АҚШ ва НАТО учун жуда муҳим аҳамият касб этади».

Покистонда чоп этиладиган **"Business Recorder", "Daily Times", "Dawn" газеталари** Франциянинг **«Франс Пресс» ахборот агентлиги** хабарлари асосида, Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга ташрифи якунларига бағишланган туркум мақолаларни чоп этди. Хусусан, икки мамлакат президентлари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолаган ҳамда давлатлар халқлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ниятида эканликларини билдиргани маълум қилинади.

Мақолаларда таъкидланишича, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси Жанубий Кореянинг миллий нефть корпорацияси ҳамда Жанубий Корея консорциуми билан биргаликда нефть-газ соҳасида ҳамкорлик, "Устюрт" ва "Сургил" конларида геология-разведка ишларини олиб бориш, шунингдек, газ-кимё заводини қуриш ҳақида битимлар имзоланган.

Мақолаларда, шунингдек "Ўзбекистон ва Жанубий Корея Навоий шаҳри аэропорти негизида ҳаво транспорти ҳамда логистика соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш тўғрисида келишувга эришганлиги ҳақида хабар берилади.

Нашрларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Тошкентда ўтказилган қўшма матбуот анжуманидаги баёнотидан олинган иқтибослар, шунингдек, Жанубий Корея раҳбарининг "Ўзбекистон Марказий Осиёдаги бизнинг асосий ҳамкоримиздир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, жаҳон молиявий инқирозига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти тобора юксалиб бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда 180 минг яқин корейс миллатига мансуб аҳолининг истиқомат қилиши ҳам кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишига хизмат қилаётир", деган сўзлари келтирилган.

«Жаҳон» АА.

ДАСТУР ИЖРОСИДАГИ ИЗЧИЛЛИК

молиявий инқирозни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга

Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги масала муҳокама этилган эди. Унда маҳаллий Кенгашлар ва уларнинг доимий комиссиялари ўз ҳудудларида инқирозга қарши чораларнинг мукаммал ва пухта дастурини ишлаб чиқиши, унда ҳудуднинг мавжуд салоҳияти тўла инобатга олиниши лозимлиги уқтирилди. Муҳими, ушбу масалани туман, шаҳар Кенгашларининг сессияларида изчил ўрганиш, таҳлил этиш, қонунчиликда кўзда тутилган тартибда назорат ўрнатиш кераклиги қайта-қайта таъкидланди. Тошкент вилоятидаги халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган сессияларида масаланинг мана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурида, жумладан, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг барқарор фаолиятини ташкил этиш, қолаверса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш устувор вазифалардан этиб белгилангани эътиборга моликдир.

Таъкидлаш лозимки, дастур ижроси бўйича бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Энг муҳими, бу жараён изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам инқироз шароитида тадбиркорлик билан шуғулланишни рағбатлантиришга мўлжаллангандир. Зеро, халқаро тажрибадан маълумки, айнан кичик бизнес жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг муҳим омили ҳисобланади.

Шу маънода, Инқирозга қарши чоралар дастурининг Тошкент вилоятида изчиллик билан ижро этилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Негаки, вилоятда мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналари фаолият юритади. Уларнинг барқарор ишлашига эришиш, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, аҳоли бандлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча йўналишларнинг ривожланишига қулай шароит ҳамда инвестицион муҳит барпо этиш вилоят иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Инқирозга қарши чораларнинг маҳаллий дастурини ишлаб чиқишда айнан ушбу масалага алоҳида эътибор берилди. Чунончи, ҳудудий бандлик дастури ва иқтисодий инқирозни юмшатишга қаратилган қўшимча йўналишлар бўйича 66990 та янги иш ўринлари яратилади. Ўз навбатида, ҳудудий инвестиция дастурига кирган йирик лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга ошириб, ҳаётга жорий этиш, қулай ва қўшимча имкониятлар яратиш орқали 4768 та кичик бизнес субъектларини ташкил этиш вилоят омилкорлари зиммасидаги муҳим вазифалардандир. Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган манзилли лойиҳаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватларидан самарали фойдаланилишини ташкил этиш, бунда, айниқса, йирик саноат корхоналарида инновация ва техник модернизациялаш таомилларини кенг қўллаш лозим бўлади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Дастурда аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Бу чора-тадбирлар аниқ самара бериб, молиявий таназзул шароитида вилоят иқтисодиётида ўсиш бўлишини таъминлаётир. Жумладан, 2009 йилнинг биринчи чораги давомида ялпи ҳудудий маҳсулот 106,4 фоизни, саноат маҳсулотлари ҳажми 110,2 фоизни, халқ истеъмоли моллари 107,6 фоизни, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти етиштириш 107,0 фоизни, капитал қўйилмалари ҳажми 117,6 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми 114,3 фоизни, чакана савдо айланмаси 117,8 фоизни ва пуллик хизматлар ҳажми 124,3 фоизни ташкил қилган.

Бундан ташқари, Дастурни сўзсиз бажаришда вилоят фаолларининг жонбозлиги, фидойилиги катта аҳамиятга эга. Чунки улар бевосита халқ билан ишлайди — бири маҳалла оқсоқоли, бири корхона директори, яна бири тадбиркор. Бироқ вилоят халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг 21 тасида ўтказилган (6 та шаҳар ва 15 туманда) сессиялар, доимий комиссиялар раислари ҳамда аъзолари ҳисобланган депутатлар билан ўзаро мулоқотлар бу борада қилиниши лозим бўлган талай ишлар борлигини кўрсатди.

Маҳаллий Кенгашларда

— Депутатлик нафақат масъулиятли вазифа, — дейди Сенат ишчи гуруҳи раҳбари Бахтиёр Иминов. — Балки, у халқнинг ишончини қозонган, унга лафз берган шахс ҳамдир. Шунинг учун ундан ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиш, ҳудудда кечаётган ислоҳотларда, ўзгаришларда фаол қатнашиш, ташаббускор бўлиш талаб этилади. Аммо айрим депутатларнинг бундай масъулиятли вазифага юзаки қараётгани ачинарлидир. Таассуфки, улар нафақат ўзи аъзо бўлган доимий комиссияга таалуқли масалалар, шу билан бирга, туманнинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларидан ҳам мутлақо бехабар.

Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган дастурини муҳокама қилиш жараёнида айрим депутатларнинг муҳокамага қўйилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари йўқлиги кишини ташвишлантиради. Ваҳоланки, бир қатор Кенгашларда илгари сурилаётган ташаббуслар, таклифлар эътиборга молик. Масалан, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутатлари инқирозга қарши курашиш дастурида экспортга маҳсулот тайёрлайдиган мамлакат корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча имтиёзлар ва енгилликлар бериш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган субъектларга солиқ имтиёзлари бериш масалаларини янада кучайтириш борасида таклифлар киритишди. Бу таклифлар ана шу ҳудуднинг имконияту салоҳиятидан келиб чиқиб билдирилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мустақил фикрлайдиган, мулоҳаза юритадиган, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаган, энг муҳими, ўзлигини англаган ҳар қандай инсон юрт келажаги учун қайғуриши, табиий. Чунки у ўзининг тақдирини миллат тақдири билан боғлайди. Унингсиз ҳеч ким эмаслигини ҳис қилади. Асли ҳақиқат ҳам — шу. Зотан, юртимиз тараққиёт қимизнинг янада тўқ ва фаровон яшаши таъминланади. Бунинг учун ҳар биримиздан ўз ишимизга масъуллик ва фаоллик билан ёндашиш талаб этилади. Шундагина молиявий бўҳрон аталмиш инқироз мамлакатимиз иқтисодиётига раҳна сололмайди.

Қобил ХИДИРОВ.

ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатида мамлакатимиз мудофаа тизимида қўлга киритилган натижалар билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди. Хусусан, яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиш асосий тадбирлардан бири экани қайд этилганди. Мудофаа вазирлиги, республикамиздаги қатор лойиҳалаш институтлари ва тегишли қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ҳамкорлигида ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Тошкент ҳарбий округида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийлар ҳам ана шу ғамхўрликдан баҳраманд бўлишди. Куни кеча уларга замонавий шарт-шароитларга эга бўлган янги уйларнинг калитлари тантанали равишда топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўз олган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларидан бирининг фикрлари ҳаётий ҳақиқатдир.

— Шу соҳада хизмат қилаётганимдан ҳамиша ғурурланаман, — дейди офицер Абдурашид Эргашев. — Давлатимиз раҳбари биз, ҳарбийларга нимаики шароит лозим бўлса, барчасини яратиб беришга бош-қош бўлаяптилар. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Кўриб турганингиздек, мана энди уй ҳам берилаяпти. Бизнинг ёш оиламизга икки хонали уйнинг калитини топширишди. Хоналар кенг, ёруғ ва шинам. Ҳавас қиладиган даражада. Турмуш ўртоғим Раъно-хоннинг ҳам кувончи чексиз. Оилада шундай хурсандчилик, тинчлик бўлса, кўнглимиз тўлиб, ишимизда ҳам самара бўлади. Албатта, берилган шундай улкан имкониятларга жавобан янада яхши ишлашимиз, юртимиз тинчлиги ва равнақи учун боримизни аямаслигимиз, бир сўз билан айтганда, ишончни оқлашимиз лозим. Бу бизнинг фарзандлик бурчимиз ҳамдир.

Янги уйларга эга бўлган ҳарбийларнинг ҳар биридан ана шундай самимий дил сўзларини эшитдик.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Германиянинг "Грасси" музейи директори Клаус Даймел раҳбарлигидаги делегация аъзолари 19 май куни Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев билан учрашди.

БАДИИЙ АКАДЕМИЯДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро муносабатлар барча жабҳаларда, жумладан, маданий соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда миллий маънавий меросни асраб-авайлаш, ўтмишдан хикоя қилувчи музейлар фаолиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Германия халқлари ўртасида маданий-маърифий алоқалар йил сайин ривожланиб бормоқда. Бунда "Ўзбекистон-Германия" ва "Германия-Ўзбекистон" дўстлик жамиятларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Улар турли конференция ва симпозиумлар ўтказиб, икки халқни маданият, санъат, фан ва таълим соҳасидаги ютуқлари билан ўзаро таништирмоқда. Бадиий жамоалар ва якка ижрочиларнинг концертлари, кинофильмлар намойиши, бадиий кўргазмалар уюштирилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасида маданий ҳамкорликни, музейлараро алоқаларни кенгайтириш, жумладан, экспонатлар алмашувини, қўшма кўргазмалар уюштиришни фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Германия делегацияси аъзолари Ўзбекистон тарихи давлат музейи ҳамда Амалий санъат музейини бориб кўрдилар. Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

(ЎзА).

ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ВА ЎЗБЕКИСТОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати шуниси билан ажралиб, таниқли экспертларнинг эътирофига сазовор бўлмоқдаки, у фақат инқирозга қарши курашиш ва молиявий бўҳрон оқибатларини енгишга эмас, балки шундай шароитда наинки иқтисодий барқарорликни таъминлаш, айни пайтда ўсишга ҳам эришиш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Бу ҳақдаги сўнгги эътироф Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи асосида баён этилди. Жанубий Корея раҳбари мамлакатимиз 2008 йилда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолгани ва жорий йилда ҳам барқарорлик қузатилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий тамойиллари ва устувор вазифалари аниқ белгилаб берилган. Булар корхоналарни модернизациялашни, техник ва технологик қайта жиҳозлашни, уларга илғор технологияларни жорий қилишни жадал давом эттириш, конъюнктура ўзгаришларига қараб, экспортчи корхоналаримизнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва тежамкорлик орқали маҳсулот таннархини туширишда, электр энергетикаси соҳасини такомиллаштириш ва энергия тежашнинг самарали тизимларини жорий қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ички бозорда талаб ошишини рағбатлантириш ва шу каби бошқа чоралардир.

Бугун Ўзбекистонга таҳаламоат нисбатан камайгани мамлакатимиз аввалбошданоқ тўғри йўлни танлагани билан боғлиқдир. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойил орасида давлат бош ислоҳотчи бўлиши, ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиши ва айни пайтда кучли ижтимоий йўналтирилган сиёсат юритилиши тамойиллари устувор ўрин тутади.

Ривожланган давлатларда иқтисодиёт ўзини ўзи тартибга солади, деган тушунча асосида иш юритилар эди. Ҳолбуки, бугун кўплаб эксперт ва олимлар иқтисодий барқарорликни таъминлашда давлатнинг алоҳида ўрни борлигини эътироф этмоқда. Кўплаб мамлакатларда йирик банк ва компаниялар айнан давлат маблағлари ҳисобига жон сақлаб қолаётгани бунинг оддий тасдиғидир.

Шундай қилиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан оғишмай бориб, хато қилмаганидан, давлатимиз раҳбарининг қатъиятидан яна бир далолат бўлди. Бу ўринда статистик рақамларни келтиришга зарурат йўқ, деб ўйлаймиз. Ўзбекистонда минглаб янги иш ўринлари очилаётгани, иқтисодиётимизга миллионлаб чет эл сармояси кириб келаётгани, глобал инқироз шароитида юртимизга олий мақомдаги делегациялар ташриф буюраётгани, йирик инвестицион лойиҳалар юзасидан келишувларга эришилаётгани Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган сиёсатнинг самараларини кўрсатиб турибди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИГА – ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, Ўзбекистон пахта етиштириш ва экспорти бўйича жаҳоннинг етакчи давлатларидан ҳисобланади. Мазкур анжуман мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бўлган тўқимачилик саноатининг салоҳиятини, соҳа корхоналарининг инвестицион ва экспорт имкониятларининг ўсиши, халқаро ҳамкорлик ва хориждаги турдош корхоналар билан ўзаро тажрибаларни намойиш этади.

Тадбирдан кўзланган мақсад, давлатлар ўртасида тўқимачилик борасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳсулот ва техник айирбошлашни янги босқичга олиб чиқишдир. Шу боис тадбирда юртимиз енгил саноат ва тўқимачилик тармоғи мутхассисларига Германиянинг замонавий тўқимачилик ускуналари ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Шунингдек, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш борасида чет эл мутахассисларининг маърузалари тингланади. Энг муҳими, томонлар тўқимачилик ва енгил саноатнинг ривожига хизмат қилувчи лойиҳалар бўйича музокараларга киришадилар.

Отабек АСАДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 19 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	1092,24	1 Исландия кронаси	11,59	1 Швейцария франки	1300,57
1 Англия фунт стерлинги	2214,45	1 Канада доллари	1240,23	1 евро	1991,30
1 Дания кронаси	263,97	1 Хитой юани	214,21	10 Жанубий Корея вони	11,54
1 БАА дирҳами	398,39	1 Малайзия рингити	410,20	10 Япония иенаси	154,21
1 АҚШ доллари	1462,36	1 Польша злотийси	439,50	1 Россия рубли	45,59
1 Миср фунти	260,39	1 СДР	2220,48	1 Украина гривнаси	191,82
		1 Туркия лираси	933,04		

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

«Ижтимоий-рағбат» ютуқли омонати бўйича 2009 йил 15 майда Урганч шаҳрида ўтказилган 2-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

№	Ютуқ миқдори	Ҳудудий филиал	Туман (шаҳар) филиали	Банк муассасаси	Ҳисоб-варақ рақами
1	2000000	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон филиали	015-шохобча	ИР-752
2	1000000	Қорақалпоғистон Республикаси	Респ. амалиёт филиали	04-шохобча	ИР-8
3	1000000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	07-шохобча	ИР-119
4	500000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	031-шохобча	ИР-253
5	500000	Андижон вилояти	Марҳамат филиали	02-сайёр касса	ИР-268
6	500000	Қашқадарё вилояти	Бешкент филиали	Амалиёт бўлими	ИР-108
7	250000	Андижон вилояти	Куйганёр филиали	030-шохобча	ИР-596
8	250000	Сурхондарё вилояти	Жарқўрғон филиали	031-шохобча	ИР-112
9	250000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	03-сайёр касса	ИР-323
10	250000	Наманган вилояти	Поп филиали	010-шохобча	ИР-165
11	250000	Сирдарё вилояти	Оқолтин филиали	Амалиёт бўлими	ИР-487
12	200000	Қорақалпоғистон Республикаси	Шуманай филиали	04-шохобча	ИР-5
13	200000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	04-шохобча	ИР-162
14	200000	Тошкент вилояти	Паркент филиали	"Паркент-1" минибанки	ИР-379
15	200000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	027-шохобча	ИР-218
16	200000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	07-шохобча	ИР-155
17	200000	Тошкент вилояти	Зафар филиали	016-шохобча	ИР-1
18	200000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	016-шохобча	ИР-138
19	200000	Қорақалпоғистон Республикаси	Хўжайли филиали	025-шохобча	ИР-13
20	200000	Андижон вилояти	Вилоят амалиёт бўлими	080-шохобча	ИР-52
21	200000	Бухоро вилояти	Шофиркон филиали	018-шохобча	ИР-196
22	100000	Андижон вилояти	Куйганёр филиали	06-шохобча	ИР-177
23	100000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	031-шохобча	ИР-60
24	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	01-шохобча	ИР-519
25	100000	Сурхондарё вилояти	Жарқўрғон филиали	015-шохобча	ИР-93
26	100000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	016-шохобча	ИР-131
27	100000	Тошкент шаҳар	Мирзо Улуғбек филиали	Амалиёт бўлими	ИР-2
28	100000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзак филиали	04-шохобча	ИР-7
29	100000	Тошкент вилояти	Оққўрғон филиали	07-шохобча	ИР-41
30	100000	Жиззах вилояти	Зомин филиали	04-шохобча	ИР-268
31	100000	Андижон вилояти	Куйганёр филиали	030-шохобча	ИР-203
32	100000	Андижон вилояти	Куйганёр филиали	054-шохобча	ИР-12
33	100000	Навоий вилояти	Нурота филиали	01-шохобча	ИР-80
34	100000	Андижон вилояти	Марҳамат филиали	02-сайёр касса	ИР-295
35	100000	Қорақалпоғистон Республикаси	Қораўзак филиали	"Қораўзак" минибанки	ИР-17
36	100000	Андижон вилояти	Пахтаобод филиали	04-шохобча	ИР-250
37	100000	Андижон вилояти	Избоскан филиали	010-шохобча	ИР-392
Тинимсиз ёмғир ёғиши натижасида юзага келган табиий офат 26 кишининг умрига зомин бўлган. Яна 19 киши тан жароҳати олган бўлса, олти киши бедарак йўқолган. Ёғингарчилик даражаси юқорилиги боис қутқарувчилар ишида қатор қийинчиликлар юзага келмоқда.

Мутахассислар маҳаллий аҳолини бундай ноқулай обҳаво шароити яна бир неча кун давом этиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришган.

Таъмирлаш муваффақиятли якунланди



Астронавтлар "Хаббл" космик телескопида олиб борган таъмирлаш ишларини муваффақиятли якунлашди.

"Рейтер" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, мосламани созлаш учун мутахассислар беш марта очиқ фазога чиқишган. Бу вақт мобайнида телескопнинг батареялари алмаштирилди, объектни қабул қилувчи ва узатувчи янги қурилма ўрнатилди. Энди телескоп аввалги ҳолатига нисбатан 90 баравар кучлироқ ишлайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, "Хаббл" астрономия тарихида коинотни ўрганувчи энг катта ва муҳим телескоп ҳисобланади.

Шоколадлар кўриги

Бельгияда анъанавий шоколадлар кўриги бўлиб ўтмоқда.



Бу антиқа байрамга 10 мингдан ортиқ шоколад маҳсулотлари қўйилган. Тадбирга келганлар улардан бемалол татиб кўришлари ёки уйларига олиб кетишлари мумкин.

Ширинликлар орасида узунлиги 25 метрга тенг улкан шоколад иштирокчилар ҳайратига сабаб бўлмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

РЕФЕРЕНТ-ИШ ЮРИТУВЧИ ЛАВОЗИМИГА ШОШИЛИНЧ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Номзодга талаблар:
- ёши 35-50 бўлган аёл;
- олий маълумотли;
- давлат ташкилотларида камида 5 йил иш стажига эга;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиши;
- ҳужжатлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиши керак.

Телефон: 232-44-17.

Кундалик ҳаётимизни алоқа хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қадамда бу беминнат хизмат туридан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этаяпти. Шу боис мамлакатимизда тизим сифатини яхшилашга ва хизмат доирасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Алоқа тизими:

СИФАТ ВА САМАРА

Айтиш жоизки, бундан 15-20 йил олдин чекка ҳудудларни кўя туринг, ҳатто пойтахтимиздаги мавжуд алоқа тизими талабга жавоб бермас, телефон орқали боғланиш ниҳоятда қийин кечарди. Вилоятга қўнғироқ қилмоқчи бўлсангиз, операторга буюртма бериб, унинг жавобини олиш учун соатлаб телефон ёнидан жилмай кутишга мажбур бўлардингиз.

Давлатимиз томонидан тизим фаолиятини такомиллаштиришга берилаётган эътибор натижасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва унинг Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармалари хизмат сифати яхшиланди. Бугунги кунда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли мавжуд алоқа телефон станциялари тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Хусусан, 88 та телефон станцияси электрон автоматик тизимга ўтказилиб, станцияларда рақамлаштириш даражаси юз фоизга уддаланди.

Эътиборли жиҳати шундаки, технологик янгилаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Масалан, жорий йилнинг дастлабки чорагида 226 ЭАТСга 300 рақамга эга бўлган кўчма концентратор ўрнатилиб ишга туширилди. Шунингдек, Президентимизнинг 1041-сонли қарори ижроси бўйича 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги махсус хизмат боғламаси (УСС)ни реконструкция қилиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Хизмат

Шу билан бирга, автоматик ҳисоблаш машинасининг биллинг тизимидаги учта дастурга ўзгартиришлар киритилди. Тармоқда "IP-телефония" хизмати кенг йўлга қўйилди ва уларга дастурий таъминот ҳамда сервер платформаси ўрнатилди. Натижада "IP-телефония", Интернет карталари билан савдо қилувчи ва «PAYNET» тизимидан фойдаланувчи 3500 та дилерлик шохобчаси ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат ва хўжалик сектори абонентларига маълумот узатиш, Интернет, "IP-телефония" ва жамоа бўлиб фойдаланиладиган Интернет пунктлари хизматларининг ташкил этилишига асос бўлди.



Тизимга жорий этилаётган янгиликлар, яратилаётган қулайликлар мижозлар сонининг тобора кўпайишига, ўз навбатида, даромаднинг янада ортишига хизмат қилаяпти. Биргина маълумот узатиш тармоғи ва Интернетдан фойдаланаётган мижозлар сони 2524 тага етгани, улардан эса 412,3 миллион сўм даромад олингани фикримиз далилидир.

143 та почта бўлими биллинг тизимига уланди. Бунинг учун маълумот узатиш тармоғи портлари ажратилди. Иш жойлари автоматик тизимга ўтказилиб, тегишли дастурлар билан таъминланди. Ахборот хизматларидаги маълумотлар қамрови кенгайтирилиши натижасида 38,1 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Буларнинг бари жорий йилнинг дастлабки чорагида кўрсатилган алоқа хизматлари учун режадаги 10139,2 миллион сўм ўрнига 10546,6 миллион сўм даромад олиш имконини берди.

Шунингдек, ўтган чоракда 637,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Магистраль ва тақсимлаш кабелларининг техник ҳолатини яхшилаш, қудуқларни жорий таъмирдан чиқариш, тизимдаги мавжуд носозликларни бартараф этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ишлар натижасида 3630 та телефон ўрнатилди, шундан 2398 таси аҳоли ҳиссасига тўғри келгани ғоят қувонарлидир.

Соҳада эришилаётган ютуқлар қатори, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Чунки уяли алоқа тармоғи тобора кенгайиб, рақобат кучаяётган бир шароитда тизимга илғор технологияларни изчил жалб этиш ниҳоятда муҳимдир. Шу мақсадда ҳозирги кунда тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда айнан шу масалага оид стратегик лойиҳа устида иш олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари филиали жамоаси соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли аҳолига кўрсатилаётган хизмат турини кўпайтириб, сифатини тобора яхшилашга эришмоқда. Бу эса жамоани янада юксак марралар ва илғор ютуқларга ундаши, шубҳасиз.

У. УСМОНОВ.

MDIS TashKent
Management Development Institute of Singapore
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

2009/2010 ЎҚУВ ЙИЛИ АБИТУРИЕНТЛАРИНИ
"ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ"ГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
23 — 24 МАЙ
10.00 — 17.00

Бакалавр
- Туризм
- Бизнес ва маркетинг
- Банк иши ва молия
- Ахборот технологиялари
- Тадбиркорлик ва бошқарув

Инглиз тили тайёрлов курслари
- Кўп босқичли инглиз тили
- Академик инглиз тили IELTS тизими бўйича
- Интенсив инглиз тили

Омадли келажакка биз билан эришинг!
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси 28-уй.
Тел.: 271-77-00, 276-90-94.
Хизматлар лицензияланган

Тошкент шаҳар Яккасарой туманида рўйхатдан ўтган "Шанхай юлдузи" МЧЖ таъсисчиларининг 2009 йил 5 майдаги қарори ҳамда Яккасарой тумани Корхоналар фаолиятини тугатиш комиссиясининг 2009 йил 14 майдаги баённомасига асосан, "Шанхай юлдузи" масъулияти чекланган жамияти фаолияти тикланди.
Маълумот учун телефон: 253-49-40

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
товар сертифицирован
форма оплаты-любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.

ҒОЛИБЛАР ТАЛАБА БЎЛИШАДИ

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан маданият, санъат ва мусиқа йўналишидаги коллеж ҳамда академик лицей ўқувчилари ўртасида "Ёш ижрочилар" республика кўрик-танловини ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Ҳар икки йилда ташкил этиладиган ушбу танловнинг бу галги республика босқичи Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Мусиқа соҳасида иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган ушбу танловда етти юз нафардан зиёд истеъдод соҳиби мусиқанинг тўққиз йўналиши бўйича ўзаро куч синашди.

Танлов

Танлов якунига кўра, энг юқори натижага эришган Наманган санъат коллежи ўқувчиси Шодиёра Омонова, Андижон санъат коллежи ўқувчиси Барно Исматиллаева, Успенский номидаги РИМАЛ ўқувчилари Аделя Нартаджиева ва Аҳмет Султонов, Бухоро санъат коллежи ўқувчиси Азамат Ҳасанов сингари қирқ нафардан зиёд истеъдодли ёшлар ўз йўналишлари бўйича республикамиздаги олий таълим муассасаларига кириш ва халқаро танловларда иштирок этиш имтиёзини қўлга киритишди.

Мухтасархон КАРИМОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА
2009 ЙИЛ 25 АПРЕЛДАН 15 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкини бўлиб-бўлиб реализация қилиш тартиблари ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 13 апрелдаги 9-сонли қарори.

2009 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 843-1 (2009 йил 5 майдан кучга киради).

2. «Битим реестри тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 14 апрелдаги 01/23-18/07-сонли қарори.

2009 йил 25 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 315-1 (2009 йил 5 майдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясида ҳаво кемаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси ҳаровозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 30 мартдаги 28-сонли буйруғи.

2009 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1947 (2009 йил 7 майдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобваракларни тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 18 мартдаги 7/2-сонли қарори.

2009 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948 (2009 йил 7 майдан кучга киради).

5. «Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 21 апрелдаги 45, 2009-18-сонли қарори.

2009 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1578-1 (2009 йил 8 майдан кучга киради).

6. «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, трактор тиркамаларни ва мелиоратив йўл-қурилиш машиналарини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2009 йил 30 мартдаги 53-сонли буйруғи.

2009 йил 28 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1949 (2009 йил 8 майдан кучга киради).

7. «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2009 йил 27 мартдаги 4/4, 01-11К/К-сонли қарори.

2009 йил 29 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1950 (2009 йил 9 майдан кучга киради).

8. «Давлатлар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 27 мартдаги 2009-24-сонли буйруғи.

2009 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 844-3 (2009 йил 10 майдан кучга киради).

9. «Канон-ҳуқуқ ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 3 апрелдаги 13-1/б-сонли буйруғи.

2009 йил 6 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1951 (2009 йил 16 майдан кучга киради).

10. «Давлат мулки объектларини ҳисобга олиш ва таснифлаш бўйича ҳисобга олиш тартиблари тўғрисидаги Ваколатли вазирларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 29 апрелдаги 01/23-18/10-сонли қарори.

2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 54-2 (2009 йил 18 майдан кучга киради).

11. «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун кўлқаллаганган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 6 майдаги 5-3-6/28, 53, ЭГ-01/10-2053, 01-02/8-9 ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 20 апрелдаги 7-сонли қарори.

2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1952 (2009 йил 18 майдан кучга киради).

12. «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 22 апрелдаги 01/19-18/08-сонли қарори.

2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1953 (2009 йил 18 майдан кучга киради).

13. «Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларнинг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/КК, 8-сонли қарори.

2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1954 (2009 йил 22 майдан кучга киради).

14. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларнинг ички назорати тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 24 апрелдаги 2009-25-сонли буйруғи.

2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-1 (2009 йил 22 майдан кучга киради).

15. «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг ходимларида ва ички технологиялар ишлаб чиқариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 48, 71, 5-сонли қарори.

2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955 (2009 йил 22 майдан кучга киради).

16. «Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/2, 6/3-сонли қарори.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1956 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

17. «Божхона юк декларацияни тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 5 майдаги 01-02/6-12-сонли қарори.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-19 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

18. «Чой ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 17 апрелдаги 13-4/б-сонли буйруғи.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1957 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

19. «Кимё ишлаб чиқариш ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа ёхса тартибда химоланиш воситаларини бериш бўйинча намунавий меъёрларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 апрелдаги 13-3/б-сонли буйруғи.

2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1958 (2009 йил 24 майдан кучга киради).

II Давлат реестридан чиқарилди:

1. Банкрот корхонани ёки унинг мол-мулкини бўлиб-бўлиб реализация қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 843, 1999 йил 1 декабрь).

Адлия вазирининг 2009 йил 25 апрелдаги 104-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Битим реестри тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 315, 1997 йил 12 март).

Адлия вазирининг 2009 йил 25 апрелдаги 105-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобваракларни тўғрисидаги йўриқнома ва 1, 2, 3, 4-сон ўзгартиш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг тасдиқланган (рўйхат рақами 1080, 2001 йил 10 ноябрь), (рўйхат рақами 1080-1, 2003 йил 29 сентябрь), (рўйхат рақами 1080-2, 2007 йил 8 январь), (рўйхат рақами 1080-3, 2007 йил 7 август), (рўйхат рақами 1080-4, 2008 йил 31 май).

Адлия вазирининг 2009 йил 27 апрелдаги 108-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1576, 2008 йил 31 май).

Адлия вазирининг 2009 йил 28 апрелдаги 109-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. «Давлат мулки объектларини аукционда ва танлов бўйича хусусийлаштириш тўғрисида»ги Вақтинчалик низом, 1-сон ўзгартириш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 54, 1994 йил 17 май), (рўйхат рақами 54-1, 1995 йил 9 ноябрь).

Адлия вазирининг 2009 йил 8 майдаги 113-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПК-416-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар қўлланиладиган четдан олиб келинадиган дори-дармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар рўйхати. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзфармсаноат» ДАК томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1612, 2006 йил 16 август).

Адлия вазирининг 2009 йил 8 майдаги 114-мх-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишги munосабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида хавфсиз ишлаш қоидалари». «Саноатконтаназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда қўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлик вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда конун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

SONATA
Ўз йўлингни танла!
Drive your way
КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
HYUNDAI Official Partner
Tel. 250-11-11

Завод TTEMZ изготавливает и реализует:
КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А
предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий
- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м
Теперь и в ЛИЗИНГ
Товар сертифицирован
АВТОКРАНЫ:
для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах
Гарантийный срок 1 год
Под заказ
КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м
КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м
КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)
ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Юртимиз ифтихори Рустам Қосимжонов 1979 йил 5 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган. Беш ёшидан шахмат ўйнайди. Спортнинг ушбу тури бўйича барча ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришган. Осиё чемпиони (1994 йил, Доҳа), жаҳон биринчилигининг икки карра бронза медали соҳиби (1994, 1995 йил). Бундан ташқари, терма жамоа таркибида Осиё чемпионати ғолиби (1996 йил, Дубай), Осиё чемпиони (1998 йил, Теҳрон), жаҳон кубоги кумуш медали соҳиби (2002 йил, Деҳли), Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси бронза медали совриндори (2000 йил, Истанбул), жаҳон чемпиони (2004 йил, Триполи).

Унинг бу каби ютуқлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони ҳамда Амир Темур ордени билан тақдирланди.

Рустам яқинда Тошкентда ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган 3-халқаро турнир ва Нальчик шаҳри (Россия)да бўлиб ўтган ФИДЕ Гран-при мусобақаларида қатнашди. Фурсатдан фойдаланиб, уни суҳбатга тортдик.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

Рустам ҚОСИМЖОНОВ:

«МАМЛАКАТИМИЗДА ШАХМАТ РИВОЖИГА БАРЧА АСОСЛАР ЕТАРЛИ»

— Рустам, спорт билан ўтаётган ҳаёт йўлингизни қандай баҳолайсиз?

— 1994 йилда Доҳа (Қатар) шаҳрида ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритгандим. Ана шу ғалабам эвазига Президентимиз томонидан менга компьютер совға қилинди. Ўша пайтда компьютер жуда ҳам ноёб ва қимматли ускуна эди. Соддароқ қилиб айтганда, компьютер худди кутубхонага ўхшаган муҳим манба ҳисобланади. Бунинг учун мен Юртбошимиздан бир умрга миннатдорман. У кишининг шу эътибор ва ғамхўрликлари мени янгиданянги марралар сари чорлади.

— Георгий Аъзамов хотира турнири ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Шубҳасиз, мусобақа жуда муросасиз кечди. Негадир, мен ушбу турнирда жуда оғир ўйнадим, кўнгилдагидек ўйин кўрсата олмадим. Бу сафар кўплаб давлатлардан гроссмейстерларнинг келгани ҳам турнирнинг савиясини оширди. Шу ўринда ташкилотчилик юксак даражада бажарилганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

— Мазкур турнирда юртимиздан кўплаб ўсмир-қизларимиз ҳам қатнашди. Уларга қандай баҳо берасиз?

— Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. 2006-2007 йиллар улар билан сеанс ўтказганимда ҳам бунга яна бир карра иқрор бўлгандим. Насиб қилса, биздан ҳали кўп гроссмейстерлар етишиб чиқади. Бунинг учун шароит ҳам, асослар ҳам етарли.

— Улар орасида кимларни алоҳида ажратиб кўрсатган бўлардингиз?

— Ушбу мусобақада дастлабки рақибим бўлган бухоролик Равшан Ҳамроев жуда истеъдодли экан. Германияда ўтган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида юртимиз шарафини, асосан, ёш қизлар ҳимоя қилишди. Улар орасида қашқадарёлик Нодира Нодиржоновани алоҳида айтган бўлардим. У кўзга кўринган гроссмейстерларни ҳам ютиши мумкинлигини кўрсатди. Бу ёшларнинг янада ўсиши учун жойларда эътиборни бундан-да кучайтириш керак. Шундагина келажакда ҳозиргидан кўра юксакроқ натижаларни кутсак бўлади.

— Ўтган йили Германияда Вишванатан Ананднинг ўз чемпионлик унвонини ҳимоя қилишида катта ёрдам бердингиз. Буни ҳиндистонлик спортчи ҳам алоҳида тилга олди. Анандга, асосан, қайси томонлардан кўмак бердингиз?

— Ҳар доим унвонни ҳимоя қилиш мушкул бўлган. Бундай пайтда дебютларга алоҳида эътибор берилади. Қандайдир янгиликлар қилиш талаб этилади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, Анандга ўз тавсияларимни бердим.

— Демак, Крамникнинг камчиликларини яхши билар экансиз-да?

— Крамник, шубҳасиз, кучли шахматчи. Анандга нисбатан камчилиги эса мураккаб вазиятларда тактикани тўғри танлай олмаслигида. Шу боис Ананд муддатидан аввал ўз унвонини муносиб ҳимоя қилганидан сўнг матбуот анжуманида менга алоҳида ташаккур билдирди.

— Яқинда Голландиянинг Вейкан-Зее шаҳридаги турнирнинг "В" гуруҳида иштирок этдингиз. Айнан мана шу мусобақанинг сўнгги турида Италия вакилига имкониятни бой бермаганингизда чемпион бўлармидингиз?

— Унда дунёнинг кўзга кўринган гроссмейстерлари қатнашгани учун беллашувлар муросасиз кечди. Албатта, чемпион бўлишим мумкин эди. Лекин кўпинча яхши имкониятларни қўлдан чиқариб юбораяпман. Ўйлайманки, ҳали ҳаммаси олдинда ва мен кутилган натижаларга эришаман.

Спортимиз юлдузлари

—Ҳозир қайси мураббий қўли остида шуғулланаяпсиз?

— Кўпинча Ананд билан биргаликда машғулот ўтказамиз. Бўлажак мусобақалар олдидан Германиянинг Бонн шаҳрида тайёргарлик кўрамиз. У ерда кўплаб шахматчи дўстларим, гроссмейстерлар бор.

— Жисмоний томондан яхши формада бўлиш учун бошқа спорт турлари билан ҳам шуғулланиб турасизми?

— Асосан, теннис билан шуғулланиб тураман. Шунингдек, сузишни ҳам яхши кўраман. Қолаверса, оила аъзоларим ҳам спортсиз тура олишмайди.

— Дунёдаги таниқли спортчиларнинг ўз мактабларини очиши анъанага айланиб бормоқда. Сизда ҳам шундай мақсад борми?

— Мусобақаларнинг жуда кўплиги боис ҳозирча бир нарса дея олмайман. Балки кейинроқ бирон қарорга келарман. Шубҳасиз, бунга Ўзбекистонда шароит бор. Мактаб очгандан кейин, албатта, уни кўнгилдагидек юритиш зарур.

— Дунёда маҳоратли ёш шахматчилар сони кўпайиб бораётгандек...

— Бу фикрга қўшиламан. Биласизми, ҳозир 12-13 ёшли гроссмейстерлар ҳам бор. Шундай экан, доимо юқори спорт формасида бўлиш, ҳар қандай рақибга тайёр туриш лозим. Иккинчи томондан, ёш спортчиларнинг кўпайиши шахматга бўлган қизиқишнинг ортаётганидан далолат беради.

— Рустам, энди оилангиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Менимча, аёлингиз ҳам спортчи эди?

— Турмуш ўртоғим Феруза бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлган. Айни пайтда фарзандлар тарбияси билан банд. Иккита ўғлим бор. Каттаси Азар — 6 ёшда, кичиги Ансор — 1 ёшда. Азар ҳам шахмат ўйнаяпти.

— 2008 йил ўзбек спорти учун муваффақиятли келди...

— Дарҳақиқат, ўтган йили спортчиларимиз учун омадли бўлди. Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида олтита медаль билан умумжамоа ҳисобида 40-ўринни эгаллашди. Бу — катта кўрсаткич. Албатта, бу Президентимиз томонидан спортга берилаётган юксак эътибор самарасидир. Келгусида муваффақиятлар янада кўп ва салмоқли бўлади, деб ишонаман.

Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ суҳбатлашди.

ШОГИРДЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚДА

Сариосиё туманидаги 11-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Хидирали Тошевнинг шу кунларда ҳаяжони чексиз: ҳадемай унинг икки нафар ўқувчиси Гулистон шаҳрида ўтадиган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

— Иккаласидан ҳам умидим катта, жисмоний тайёргарликлари, вилоят беллашувида эришган кўрсаткичлари яхши, — дейди Х. Тошев. — Суннат Амонов 1,5 километрли масофани 4 дақиқаю 44 сонияда босиб ўтди. Шуҳрат Холбоев эса 3 километрга югуришда 10 дақиқаю 21 сониялик натижани қайд этди. Албатта, 15-16 ёшли ўсмирлар учун бу ёмон кўрсаткич эмас. Қувонарлиси, бу каби умидли ўқувчиларимиз кўп.

Икки йил бурун 410 нафар бола таҳсил олаётган ўқув масканимиз капитал таъмирланди. Бошқа фанлар қатори, жисмоний тарбия машғулотларини ҳам давлат таълим стандартлари асосида олиб боришимиз учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Тўлиқ жиҳозланган спорт зал, стадион, гимнастика майдончамиз бор. Улардан самарали фойдаланиш мақсадида ўқувчиларимиз учун волейбол, қўл тўпи, енгил атлетика, бадиий гимнастика, футбол ва бошқа тўгаракларни ташкил этдик. Ҳар бир тўгаракка ўртача йигирма нафардан бола қатнайди.

Мен рахбарлик қиладиган енгил атлетика тўгарагига 24 нафар ўғил-қиз аъзо бўлган. Барчасининг ғайратидан, ҳаракатидан мамнунман. Уларнинг бу интилишларини қўллаб-қувватлаш, яхши натижаларга эришишларига кўмак бериш учун бошқа касбдошларим қатори, астойдил меҳнат қилаяпман. Ўқувчиларимиз турли мусобақаларда фаол иштирок этиб келмоқдалар, — дейди мураббий фахр билан.

Вилоятдаги Хидирали Тошев сингари жисмоний тарбия ўқитувчилари учун масъулиятли дамлар бошланди. Уларнинг меҳнатлари муносиб баҳо оладиган фурсат тобора яқинлашмоқда. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг финал босқичи бошланишига бир неча кун қолди, холос.

— Жойларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг такомиллашувида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг аҳамияти ниҳоятда катта, — деб таъкидлайди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши масъул ходими Шуҳрат Худойқулов. — Буни дилдан ҳис этган мураббийларимиз мазкур мусобақаларга ҳозирликни салоҳиятли ўқувчиларни танлаш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини яхшилашдан бошлайдилар, спортнинг у ёки бу турини мукаммал ўргатиш учун бор куч-маҳоратларини ишга соладилар. Бу эса, ўз навбатида, ёшларимизни спортга жалб этиш, жойларда, айниқса, қишлоқларда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишнинг самарали йўлларидандир.

Бу йилги беллашувларнинг вилоят босқичида икки минг нафарга яқин спортчи ўғил-қизлар иштирок этиб, улардан 128 нафар энг маҳоратлилари республика босқичига йўлланма олишди. Шу кунларда спортнинг 12 тури бўйича куч синашадиган ёш спортчиларимиз учун вилоятимизнинг замонавий спорт мажмуаларида ўқув-йиғин машғулотлари ўтказилаяпти. Уларнинг пухта ҳозирлик кўришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Мақсад — ўқувчиларимиз спортнинг барча турларидан куч-маҳоратларини тўлақонли намоён эта олишсин, совринли ўринларни эгаллаб, Алпомишлар юрти — Сурхондарё шаънини муносиб ҳимоя этишсин.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА.

«Ботирлар» баҳси

Фарзандларимизнинг билимли, жисмонан бақувват бўлиб камол топишларида спортнинг ўрни беқиёс.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва "Legion Fortis" тренинг маркази нодавлат таълим муассасаси ҳамда бир қатор вазирликлар ҳамкорлигида ўтказилган "Ботирлар" ҳарбий спорт ўйинлари ҳам ёшларимиз ўртасида ўзига хос синов бўлди. Умумтаълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари иштирокида ташкил этилган ушбу мусобақаларда ёшлар ўзларининг чин маънодаги Ватан ҳимоячилари бўлиб камол топаётганликларини намойиш этдилар.

Ғолиблар тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

С. АЪЗАМХЎЖАЕВА.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ёш авлоднинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, бугун юртимизнинг энг олис ҳудудларида ҳам замонавий ва муҳташам ўқув бинолари қад ростлади ва улар бағрида келажагимиз ворислари илму ҳунар эгаллаётирлар.

УЛАРГА ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

Мунира Нишонова ҳам Наманган туманидаги Тепақўрғон педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежининг иқтидорли ўқувчиларидан бири. Ўқув даргоҳида бошланғич таълим йўналиши бўйича таҳсил олган Мунираниг иш жойи ҳозирданоқ аниқ бўлди. Гап шундаки, у яқинда ўқув амалиётини тумандаги 27-умумтаълим мактабида ўтаганди. Мактаб ўқитувчилари унинг иқтидори ва интилишларини муносиб баҳолаб, коллежни тугатгач, ўз сафларига келиб қўшилишини таклиф этдилар.

Қувонарлиси, бугун касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг аксарияти Мунира сингари ўқув амалиёти чоғидаёқ келгусида фаолият юритажак иш жойлари билан танишиш имконига эга бўлмоқдалар. Жумладан, Гўзал Юсупова, Маҳлиё Матқулова, Феруза Тошхўжаева сингари ёшлар коллежда олган билим ва кўникмаларини муносиб намоён этганликлари боис коллежга мактаблар раҳбарларининг таклиф қоғози билан қайтишди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Негаки, бўлажак мутахассис ўзи танлаган касб ёки ҳунарга астойдил қизиқса, унинг иқтидори ишлаб чиқариш жараёнига қадам қўйган дастлабки пайтдаёқ ойдинлашади. Шунинг учун ҳам меҳнат жамоаларида бундай интилувчан ёшларни қадрлаб, уларга ўзларини янада тўлиқроқ намоён этишлари учун имконият яратиб беришади.

Миллий дастур ниҳоллари

— Ўтган йили коллежимиз бағридан дастлабки қалдирғочларни учирма қилдик, — дейди коллеж директори ўринбосари Соҳиба Файзиева. — Уларнинг аксарияти маиший хизмат ва сервис йўналишидаги касбларни пухта эгаллаганлиги боис иш топишлари қийин кечмади. Юздан зиёд битирувчи тикувчилик цехларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда мустақил фаолият юритаяпти. Етти нафар битирувчимиз эса олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттирмоқда.

Тепақўрғон қишлоғининг кўркига айланган мазкур таълим масканининг кошонамонанд ўқув биноларига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Бу ерда ўғил-қизларнинг замонавий касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари учун қулай шарт-шароит яратилган. Масалан, янгича педагогик технология талаблари даражасида жиҳозланган аудиториялар ва лабораторияларда ўқувчилар умумтаълим фанларини иштиёқ билан ўрганишса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган махсус синфларда амалий кўникмаларини мустаҳкамлайдилар. Айниқса, Польшадан келтирилган миницех қишлоқ ёшларининг замонавий асосда билим олишига имконият яратмоқда. Унда мева ва сабзавотларни қайта ишлаб, томат қайласи, шинни, компот сингари маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Тепақўрғон атрофидаги қишлоқлар учун эса бу йўналишдаги малакали мутахассислар жуда зарур.

— Компьютер технологияси бўлимини тугатаяпман, — дейди Абдурасул Маматюсупов. — Бу соҳага болаликдан қизиқаман. Коллежда таълим олиш асносида ундан фойдаланиш сир-асрорларини пухта ўргандим. Амалиёт жараёнида қобилиятимни кўрсата олганим учун ишга ҳам таклиф қилишди.

Жорий йилда 441 нафар ўқувчи ушбу касб-ҳунар коллежи дипломига эга бўлади. Аксарият битирувчиларнинг иш жойи тайин, ўқув даргоҳи бу борада кўпгина ташкилотлар билан шартнома имзолашга муваффақ бўлди. Сирасини айтганда, замонавий билим масканида илм олаётган иқтидорли ёшларга ишонч ҳам, эҳтиёж ҳам бисёр.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУЗУВЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Тошкентда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий В. Бондаренко хотирасига бағишлаб, сузиш бўйича ўтказилган мусобақадан фарғоналик спортчилар медаллар шодаси билан қайтишди.

Республикамизнинг барча вилоятларидан сув спорти ишқибозлари қатнашган мазкур турнир мамлакат очиқ чемпионати ҳисобланади.

Фарғона вилояти жамоаси, асосан, бошловчи спортчилардан ташкил топганига қарамай, юксак натижаларни қўлга киритишди. 50-100 метрга чалқанча сузишда Зиёда Мирзаевага тенг келадиган топилмаган бўлса, ишқибозлар Малика Абдуқодировани уч бора шоҳсупага кўтарилгани билан қутлашди. Екатерина Нардишева эса эркин сузишда олтин медалга сазовор бўлди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО (20 май)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 11-16, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 13-15, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

FIAT GROUP

NEW HOLLAND TL5060

TEL.: 120 60 97 - 120 89 58

NEW HOLLAND AGRICULTURE

СИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИНГИЗ — БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металларни букиш;
- барча пайвандлаш хизматлари;
- мижоз материалидан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

89R/139

ООО "CHIRCHIK TEPLO SYSTEMS"

ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHTS

ҚОЗОНЛАРИ

ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди

маҳсулот сертификатланган

Т/ф.: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08.

E-mail: chts.uz@mail.ru

319Н/1951

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси ўқитувчи Ойбек Гайиповга турмуш ўртоғи **Мақсуда ХОЛМУРАТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат ўрмон хўжалиги жамоаси ҳисобчи Альфина Султановага отаси **Агзам СУЛТАНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 23.30